



СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ТУЗИЛМАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ СИФАТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мукимов Ботир Мирабзалович -

Тошкент давлат иқтисодийёт университети
мустақил тадқиқотчиси (PhD)

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a35

Аннотация. Ушбу мақолада солиқ хизмати органлари тузилмасини оптималлаштириш орқали солиқ маъмуриятчилиги сифатини оширишда дуч келадиган асосий муаммолар кўриб чиқилган ва такомиллаштириш йўллари таклиф қилинди. Бундан ташқари муаммоларни ҳал қилиш учун солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича бир қанча стратегиялар таклиф қилинди. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш адолатли ҳамда самарали солиқ тизимини яратишга ёрдам беради.

Калит сўзлар: солиқ маъмуриятчилиги, маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий солиқлар, ресурс солиқлари, солиқ, бюджет, солиқ ставкаси, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, ер солиғи, кўчмас мулк, маҳаллий бюджет.

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА НАЛОГОВОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ ПУТЕМ ОПТИМИЗАЦИИ СТРУКТУРЫ ОРГАНОВ НАЛОГОВОЙ СЛУЖБЫ

Мукимов Ботир Мирабзалович -

Ташкентский государственный экономический университет
независимый исследователь (PhD)

Аннотация. В данной статье рассмотрены основные проблемы, возникающие при повышении качества налогового администрирования путем оптимизации структуры органов налоговой службы, и предложены пути совершенствования. Кроме того, для решения проблем было предложено несколько стратегий по совершенствованию налогового администрирования. Улучшение налогового администрирования и поддержка устойчивого развития помогут создать справедливую и эффективную налоговую систему.

Ключевые слова: налоговое администрирование, местные органы власти, местные налоги, ресурсные налоги, налог, бюджет, налоговая ставка, налоговый отчет, налоговые поступления, налоговые льготы, земельный налог, недвижимость, местный бюджет.

ISSUES OF IMPROVING THE QUALITY OF TAX ADMINISTRATION BY OPTIMIZING THE STRUCTURE OF TAX SERVICE BODIES

Mukimov Botir Mirabzalovich -

Tashkent State University of Economics
independent researcher (PhD)

Abstract. In this article, the main problems encountered in improving the quality of tax administration by optimizing the structure of tax service bodies were considered and ways of improvement were suggested. In addition, several strategies for improving tax administration were proposed to solve the problems. Improving tax administration and supporting sustainable development will help create a fair and efficient tax system.

Keywords: tax administration, local authorities, local taxes, resource taxes, tax, budget, tax rate, tax report, tax revenue, tax credits, land tax, real estate, local budget.

Кириш. Республикада солиқ маъмуриятчилиги механизмлари самарадорлигини ошириш, солиқ мажбуриятини мустақил равишда бажариш учун қулай шароит яратишни назарда тутувчи солиқ соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Замонавий солиқ маъмуриятчилигига ўтиш йўлидаги ислохотлар доирасида Халқаро валюта фонди экспертлари таклифларини инобатга олган ҳолда, Давлат солиқ қўмитаси тузилмасида йирик солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш, жумладан, солиқ ҳисоботларини қабул қилиш, солиқ назоратини амалга ошириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни

ундириш мажбурияти юклатилган. Солиқ маъмуриятчи мамлакат солиқ тизимининг самарали фаолият юритишида муҳим роль ўйнайди. Бироқ солиқ маъмуриятчи ҳам доимий такомиллаштиришни талаб қиладиган қийинчиликлар ва мураккабликларга дуч келади.

Адабиётлар таҳлили. Ҳозирги даврда солиқ маъмуриятчилиги методологияси устувор йўналишлари сифатида бюджет даромадларини ошириш, солиққа тортиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш, солиқларни унификация қилиш қаралади.

Халқаро валюта фонди экспертлари К.Силвани ва К.Баернинг бу борадаги илмий қарашлари қуйидагича: “Солиқ маъмурчилиги стратегияси узоқ муддатли солиқ маъмурчилиги операцияларининг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар сифатида баҳоланиб, мамлакатда солиқ узилиши (тўланиши керак бўлган ва келиб тушган тушумлар ўртасидаги фарқ) ҳажми ва уни камайтириш учун қўлланиладиган чоралар кескинлиги асосида тайёрланиши керак” [1].

А.И.Погорлецкий ва М.В.Кешнернинг ёзишича: “Солиқ маъмуриятчилигига рақамлаштириш ва ахборот технологияларини киритиш солиқ органларида иш юкласини камайтириш, шунингдек, солиқ турлари, суғурта бадаллари бўйича қарзларни камайтиришга олиб келиши шарт” [2].

А.А.Спиридонов ва бошқалар қуйидаги таърифни беришган: “Солиқларни оптималлаштириш солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларни камайтиришга қаратилган мақсадли қонуний ҳаракати бўлиб, солиқ имтиёзлари, солиқдан озод қилиш ва бошқа қонунчиликда белгиланган усул ва қоидалардан фойдаланишни ўз ичига олади” [3].

Бассей ва бошқалар фикрига кўра, бутун дунё бўйлаб солиқ тўловчилар тажрибасини ошириш учун солиқ маъмурчилиги турли хил ва мураккаб электрон хизматлар билан юқори даражада рақамлаштирилган. Шунга қарамай, рақамли солиқ тизимининг муваффақияти учун муҳим бўлган омилларни тушуниш жуда муҳимдир [4].

Chowdhury ўз ишида солиқ маъмурчилиги тизимидаги энг долзарб муаммолардан бирини кўтарган. Унинг таъкидлашича, солиқ тўлашдан бўйин товлаш дунёнинг ҳамма жойида кенг тарқалган муаммо ҳисобланади. Бир томондан, айрим рағбатлантириш механизмлари, иккинчи томондан, назорат механизмлари одамларни рағбатлантириш, шунингдек, уларни мунтазам равишда солиқ тўлашлари учун қандайдир босим яратиш учун зарур эканлиги таъкидланади [5].

Б.Б.Ибрагимов фикрича, Ўзбекистонда солиқ муносабатлари ва маъмуриятчилиги тарихини ўрганиш кишилик жамияти барча ижтимоий-иқтисодий формацияларида солиқлар, уларни ҳисоблаш ҳамда ундириш тартиблари у ёки бу турда мавжуд бўлганлигидан далолат беради [6].

А.Смит солиқ маъмуриятчилигида “тинчлик, меъёрдаги солиқлар ва бошқарувдаги сабртоқат асосий омиллар бўлиб, қолган ҳамма нарсаларни табиий жараённинг ўзи бажаради” деган ғояни илгари суради [7].

Тадқиқот методологияси. Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари, уларнинг сифатини оширишни таъминлашга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Солиқ кўмитаси тузилмасида йирик солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш, жумладан, солиқ ҳисоботларини қабул қилиш, солиқ назоратини амалга ошириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш мажбурияти юклатилганлиги ҳеч кимга сир эмас, албатта. Хусусан, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси ташкил этилди (ПҚ-3802, 26.06.2018 й.).

Бундан ташқари Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш мезонлари белгиланади (АВ-3172-сонли низом, 12.07.2019 й.): а) акциз солиғига тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар; б) тижорат банклари ҳамда уларнинг филиаллари, товар-хомашё, фонд ва валюта биржалари; д) «Навоий КМК» ДК, «Олмалиқ КМК» АЖ ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар; е) маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган ташкилотлар; ф) ўтган календарь йил якуни бўйича маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушуми 100,0 миллиард сўмдан юқори бўлган юридик шахслар.

Инспекция томонидан 2020 йилда 67,7 трлн. сўм (жами тушумларнинг 65 %и), 2021 йилда 82,3 трлн. сўм (64 %), 2022 йил январь-октябрь ойларида 75,5 млрд. сўм (61 %) солиқ тушумлари таъминланди (жорий йилда улушнинг камайиши “Навоий КМК” ва “Олмалиқ КМК” фойда ва недра солиқлари ставкалари кескин пасайтирилганлиги сабаб бўлди).

Солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда қўшилган қиймат солиғи маъмурчилигини марказлаштириш мақсадида ҚҚС тўловчи корхоналар солиқ маъмурчилиги ҳудудий солиқ бошқармаларига марказлаштирилди.

Бу, ўз навбатида, ҚҚС ва фойда солиқлари маъмурчилигини ҳамда солиқ тўловчилар билан ишлашни соддалаштириш билан бирга, 2021 йилда 24,1 трлн. сўм (жами тушумларнинг 19 %и), 2022 йил январь-октябрь ойларида 28,1 трлн. сўм (23 %) кафолатланишига имкон берди.

Шунингдек, ҚҚС бўйича манфий фарқ қайтарилиши бўйича аризалар кўриб чиқилиши тезлашиб, жорий йил 9 ойлигида 4 833 та корхонанинг 8 424 та аризалари бўйича 12,8 трлн. сўм

MOLIYA VA SOLIQLAR

солиқ тўловчилар ихтиёрига қайтарилди (2021 йил мос даврида 10,4 трлн., 2020 йил мос даврида 4,5 трлн. сўм қайтарилган).

Юқоридаги чоралар қўлланиши 2021 йилда давлат бюджети тушумларининг 83 фоизини кафолатлаш имконини берди. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида янги мазмундаги стратегик мақсадларни белгилаб берувчи солиқ сиёсатини

шакллантириш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантириш, солиқ юкини камайтириб бориш, адолатли солиқ тамойилларига асосланган солиқ тизимини янада ривожлантириб бориш йўналишида сезиларли ислохотлар амалга ошириш бу борадаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

1-жадвал

2018-2022 йилларда бир нафар солиқ органи ходимига тўғри келган ўртача ойлик солиқ тушумлари тўғрисида маълумот

Кўрсаткич номи	2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил		2022 йил (янв-окт)	
	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%
Бюджетга жами солиқ тушумлари (млрд. сўм)	54 202,8	100	83 323,9	100	103 566,4	100	127 863,6	100	123 843,3	100
МРИ	-	-	-	-	67 672,7	65	82 286,6	64	75 456,2	61
ДСБ	-	-	-	-	-	-	24 064,4	19	28 110,1	23
ДСИ	54 202,8	100	83 323,9	100	35 893,7	35	21 512,6	17	20 277,1	16
Ходимлар жамланмаси (нафар)	10 685	100	10 936	100	10 039	100	9 843	100	9 411	100
МРИ	-	-	-	-	104	1	140	1	148	2
ДСБ	1 917	18	1 551	14	2 143	21	2 309	23	2 286	24
ДСИ	8 509	80	9 077	83	7 435	74	7 117	72	6 530	69
Бир нафар ходимга ўртача ойлик тушумлар (ходим / млрд. сўм)	0,4	х	0,6	х	0,9	х	1,1	х	1,3	х
МРИ	-	х	-	х	54,2	х	49,0	х	51,0	х
ДСБ	-	х	-	х	-	х	0,9	х	1,2	х
ДСИ	0,5	х	0,8	х	0,4	х	0,25	х	0,31	х
Бир нафар ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи (млн. сўм)	х	х	7,1	х	8,9	х	11,1	х	15,2	х
МРИ	х	х	-	х	12,5	х	17,7	х	17,9	х
ДСБ	х	х	9,8	х	7,9	х	12,2	х	15,5	х
ДСИ	х	х	6,5	х	9,0	х	9,8	х	14,5	х

Манба: Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Куйида келтирилган таҳлилий жадвалда 2018-2022 йилларда солиқ органларининг барча бўғинларида солиқ тушумлари, солиқ органлари ходимлари сони ҳамда бир нафар ходимга тўғри келадиган ўртача тушумлар, шунингдек, солиқ органлари иш ҳақи фонди кўрсаткичлари акс эттирилган.

Жадвалда солиқ маъмурчилигининг марказлаштирилиши пировард натижа сифатида бир нафар ходим томонидан ўртача тушум кўрсаткичлари ошишига хизмат қилиши ҳамда тушумга ошишига нисбатан иш ҳақи фонди улшининг пасайишини кузатиш мумкин.

Жами шатат бирлигининг 2 фоиз билан 61 фоиз жами солиқ тушумлари таъминланиши қаторида, 69 фоиз штат бирлиги билан туман (шаҳар) ДСИлари 16 фоиз тушумни бермоқда.

Ушбу йўналишдаги ислохотларнинг давоми сифатида:

– республика ҳудудидаги барча бюджет ташкилотлари солиқ маъмурчилиги билан мар-

казлашган ҳолда шуғулланувчи ҳудудлараро солиқ инспекциясини ташкил этиш;

– Италия ва Болгария давлатлари ижобий тажрибаси асосида фаолиятида фақат ер ва мол-мулк солиқлари ҳамда айланмадан олинadиган солиқ тўловчилар солиқ маъмурчилиги сақланиб қолинadиган туман (шаҳар) солиқ инспекциялари сонини қисқартириш таклиф қилинмоқда.

Давлат солиқ қўмитаси таркибида бюджет маблағларидан молиялаштириладиган ташкилотлардан (асосан, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи тўланади) таъсис жамғармасида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилиги билан шуғулланувчи бошқарма ташкил этилиши бугунги кунда туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари томонидан таъминланаётган 16 фоиз солиқ тушумларининг 9 фоизини марказлаштирилган ҳолда ундирилишини таъминлайди. Натижада туман (шаҳар) солиқ инспекция-

лари маъмурчилигида фақат АОС, ер ва мол-мулк солиқлари маъмурчилиги қолиб, биринчи босқичда Болгария ижобий тажрибаси асосида инспекцияларни оптималлаштириш орқали 70 га яқин ДСИни қисқартириш имконини беради.

Солиқ органлари сонини қисқартириш кенг тарқалган амалиёт бўлиб, кўплаб ривож-

ланган мамлакатларда ижобий натижалар берган ҳамда бугунги кунда Халқаро валюта жамғармаси экспертлари томонидан солиқ маъмурчилигини ислоҳ қилишнинг йўлларида бири сифатида тавсия этилмоқда.

2-жадвал

Болгария: солиқ ислохотларига ва ундан кейинги ҳолат	
2006 йилда	2010 йилда
I. Ижтимоий таъминот миллий институти марказий аппарати	I. Ижтимоий таъминот миллий институти марказий аппарати
28 та ҳудудий бошқарма	28 та ҳудудий бошқарма
II. Солиқ органлари	II. Даромадлар миллий агентлиги
Йиғма солиқ бошқармаси	Марказий аппарат
29 та ҳудудий бошқарма	Мурожаатлар ва сифат назорати бўйича 5 та бошқарма
5 та маҳаллий бошқарма	28 та ҳудудий бошқарма
112 та инспекция	1 та йирик солиқ тўловчилар бўйича бошқарма
167 та солиқ бюроси	1 та ўрта солиқ тўловчилар бўйича бошқарма

Маълумот учун: 2014-15 йилларда Италияда инспекциялар 213 тадан 114 тага қисқартирилган, Бельгияда 257 тадан 214 тага, 2014-2017 йилларда Украинада 371 тадан 218 тага, Болгарияда 2006-2010 йилларда инспекциялар сони 300 тадан 28 тага қисқартирилган.

Хулоса ва таклифлар. Солиқ тўловчиларни доимий равишда ўқитиш ва тушунтириш ишлари риоя қилишни рағбатлантириш учун жуда муҳимдир. Ҳукуматлар солиқ тўловчиларга

ўз мажбуриятларини тушунишларига ёрдам бериш учун осон фойдаланиш мумкин бўлган ресурсларни тақдим этиши керак. Солиқ органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни янада самаралироқ йўналтириш учун таваккалчиликка асосланган методологияларни ишлаб чиқиши ва жорий этиши, шу билан чекланган ресурсларни оптималлаштириши керак.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Carlos Silvani and Katherine Baer. *Designing a Tax Administration Reform Strategy: Experiences and Guidelines*, IMF – 1997. 36-pages.
2. Погорлецкий А.И. & Кешнер М.В. *Цифровизация и налогообложение: опыт стран Европейского союза*. Финансы, (11), 58-64.
3. Спиридонов А.А, Спиридонов П.А, Никольская Ю.П. (2010) *Налоги и налогообложение. Учебное пособие*. – М.: МГУП.
4. Edidiong Basse, Emer Mulligan, Adegboyega Ojo. *A conceptual framework for digital tax administration - A systematic review*. // *Government Information Quarterly*, Volume 39, Issue 4, October 2022. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0740624X22000909>
5. Dhiman Chowdhury. *Tax Administration, Control & Performance*. // *Advanced Issues in Taxation*, April 2001. <https://www.researchgate.net/publication/350787314>.
6. Ибрагимов Б.Б. *Пути совершенствования налогового администрирования в Республике Узбекистан*. // XI Международной научно-практической конференции. Г.Нурсултан (Казахстан), "Инновационная экономика: глобальные и региональные тренды". 2019. С. 193-195.
7. Смит А. *Исследования о природе и причинах богатства народов*. – М., 1935 й. Т. 2. С. 588-589.
8. Нормурзаев У. *Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в Узбекистане*. // *Экономика и образование*, (6), 2021.
9. Нормурзаев У. (2021) *Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в Узбекистане*. // *Экономика и образование*, (6), (2021). С. 82-86.
10. Нормурзаев У. (2023) *Мамлакатимизда солиқ тизимида амалга оширилган ислохотлар таҳлили*. // *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 1(4), 177-183. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss4-pp177-183>.
11. Normurzaev U. (2021) *O'zbekistonda investitsion jozibadorlikni yanada yaxshilash maqsadida ayrim sohalarni qo'llab-quvvatlashda berilayotgan soliq imtiyoz va preferensiyalarining samaradorlik tahlili*. // *Iqtisodiyot va ta'lim*, (6), 82-86. https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss6/a285
12. Нормурзаев У. (2021). *Способы использования эффективных методов путем предоставления налоговых льгот для поддержки предпринимателей*. // *Экономика и образование*, (3), 91-95. Извлечено от: https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/7191